Инв. Б 30897

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 23 август, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 65 (6961)

Da'vat

Тараққиётнинг буюк вазифаси одамни фикрлашга ўргатишдир.

Т. ЭДИСОН

Ibrat

Яқинда Туркиянинг Измир шаҳрида ўқувчи-ёшларнинг математик лойиҳалар бўйича халқаро олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда Англия шаҳридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Фаррух Қорабоев муваффақиятли иштирок этиб, олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритди.

«ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА»

Республикамизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчилар 1 сентябрдан ўргана бошлайдиган янги курс шундай деб аталади.

У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда икки вазирлик — Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари мутахассислари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган. Курсга давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби асос қилиб олинган.

Курс дастури 50 та лекция ва семинар машғулотлари ўтказишга мўлжалланган. Бу машғулотларни ўтказадиган ўқитувчилар учун Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида малака ошириш курслари ташкил этилди. Бу ерда турли соҳаларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари лекция ўқимоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР ТУРМУШИ МОДДИЙ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг моддий шароитларини яхшилаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, етим болаларни ҳамда кам таъминланган оилаларнинг болаларини моддий таъминлаш ва биринчи синф ўқувчиларини зарур ўқув қуроллари билан таъминлашда давлат ёрдамини кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1997 йил 1 сентябридан бошлаб умумтаълим мактаблари ва барча тур ҳамда номдаги мактаб-интернатларнинг ўқитувчилари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари муаллимлари учун энг кам ойлик иш ҳақига фоизларда табақалаштирилган қўшимча ҳақнинг қуйидаги миқдорлари белгилансин:

а). дафтарларни текширганлик учун қўшимча ҳақ:

I-IV синф ўқитувчиларига — 30 фоиз миқдорида;

V-XI (XII) синфлар ўқитувчиларига, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари муаллимларига ёзма ишларни текширганлик учун:

— тиллар ва адабиёт бўйича — 40 фоиз миқдорида;

— математика бўйича — 30 фоиз миқдорида;

— стенография бўйича — 20 фоиз миқдорида;

ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари муаллимларига чизмачилик ва техник математика конструкциялаш бўйича ёзма ишларни текширганлик учун 25 фоиз миқдорида;

б). умумтаълим мактабларининг, барча турдаги мактаб-интернатлар ўқитишнинг сессия режими бўйича ишловчи кечки сменали ўрта умумтаълим мактаблари, сиртқи мактаблар ва бўлимлардан ташқари, ўрта махсус, ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқитувчиларига ва бошқа ходимларига синф раҳбарлиги учун қўшимча ҳақ — 50 фоиз миқдорида;

в). ўқув хоналари ва лабораторияларни бошқарганлик учун қўшимча ҳақ — 25 фоиз миқдорида.

2. 1997 йил 1 сентябридан бошлаб бевосита ўқув-тарбия жараёнлари билан боғлиқ раҳбар ходимларнинг, жисмоний ёки ақлий ривожланишида камчилиги бўлган болалар ва ўсмирлар учун махсус ўқув-тарбия синфлари гуруҳларидаги алоҳида иш шароитлари учун педагог ходимлар, руҳшунослар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ставкалари ва олий лавозим маошларига қўшимча ҳақ 2 баравар оширилсин.

3. 1997 йил 1 сентябридан бошлаб ҳафталик ўқув соатларини 30 соатдан 25 соатгача камайтириш ҳисобига болалар уйлари ва барча турдаги интернатлар тарбиячиларининг иш ҳақлари ўртача 1,2 баравар оширилсин.

4. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, шунингдек, барча турдаги мактаб-интернатларда, ўрта ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган етим болаларга, ота-оналарининг қаровисиз қолган тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларга улар ишга жойлашиш чоғида ҳар бир кишига энг кам иш ҳақининг 16 баравари миқдори ҳисобида кийим-бош, оёқ кийим ва жиҳозлар, шунингдек, дастлабки харажатлар учун энг кам иш ҳақининг 1,5 баравари миқдорида ёрдам пули берилсин.

Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар ва ҳунар-техника ўқув юртлари раҳбарларига етим болаларга ва ота-оналарининг қаровисиз қолган, тўла давлат таъминотида бўлган болаларга, улар муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилган ҳолларда, шунингдек, никоҳдан ўтганда, уларнинг хоҳишига кўра, энг кам иш ҳақининг 16 баравари миқдоридаги пул компенсацияси бериш ва ушбу суммани кийим-бош, оёқ кийим ва жиҳозлар ўрнига республика халқ банки муассасаларига битирувчи номига омонат сифатида ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ҳафта муддатда етим болаларга ва ота-оналарининг қаровисиз қолган болаларга бир йўла ёрдам пули ва жиҳозлар бериш тартибини, улардан мақсадли фойдаланишни таъминлашни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқлансин.

5. Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб қуйидагиларни ҳар йили:

биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари тўплами билан;

мактаблардаги барча бошланғич синф ўқувчиларининг 15 фоизидан кўп бўлмаган кам таъминланган оилаларнинг болаларини қишки кийим-бош тўплами билан текин таъминлаш жорий қилинсин.

Биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари тўплами билан ва кам таъминланган оилалардан бўлган бошланғич синф мактаб ўқувчиларини қишки кийим-бош тўплами билан текин таъминлаш тартиби тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги биринчи синф ўқувчилари учун ўқув қуроллари ва мактаб ўқувчилари учун қишки кийим-бош тўпламлари марказлаштирилган тартибда харид қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратсин.

8. Ўз қарамоғида ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар ушбу қарорнинг ўз вақтида бажарилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 20 август.

Янги ўқув йилига 8 кун қолди

Мактабингизда барча ўқув ва кўргазмали қуролларни тайёрлаб қўйдингизми?

Янги ўқув йилида дарс ўтиш услубингизда қандай ижобий ўзгаришлар қилмоқчисиз?

Дарсларингиз сермазмун бўлиши учун қандай қўшимча адабиётлардан фойдаланмоқчисиз?

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Ладҳар Браҳими бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техник жиҳатдан таъминланганлиги даражасини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

● Алматида Марказий Осиё мамлакатлари тадбиркор аёлларининг хотин-қизлар ўртасида ишбилармонликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган анжумани бўлиб ўтди.

● Камбоджада ҳукумат қўшинлари билан ҳокимиятдан четлаштирилган собиқ биринчи Бош вазир Нородом Ранарит тарафдорлари ўртасида жанглар давом этмоқда.

● Ливаннинг жанубий ҳудудларида ҳам аҳвол кескинлашмоқда — БМТ Бош котиби Кофи Аннан бу ҳолдан жиддий хавотирда эканлигини билдирди.

● Шу йилнинг апрель ойидан бўён Хитойда ноқонуний равишда наркотик моддалар савдоси билан шуғулланган 55 минг киши қамоққа олинди.

ТАЪЛИМ — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон таълими том маънода инқилобий ўзгаришлар арафасида турибди. Яна бир неча кундан кейин мамлакатимиз Олий Мажлиси таълимимиз истиқболини белгилаб берадиган иккита муҳим масалани муҳокама этади. Булар «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида» Қонун лойиҳаларидир.

Таълимга бўлган бундай катта эътибор бежиз эмас, албатта. Зеро, ёш давлат жаҳонга юз тутиб, демократик, очиқ, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятга собитқадамлик билан босқичма-босқич кириб бораётган экан, бу ҳаракатларида шак-шубҳасиз улгайиб келаётган ёш авлодга таянади. Бу эса ўз навбатида Ватанни ардоқловчи, унинг мустақиллигини кўз қорачиғидай асраб-авайлашга, керак бўлса, унинг учун жон фидо қилишга тайёр, кенг тафаккурли, соғлом, маънавий ва маърифий жиҳатдан баркамол, иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш орқали ҳаётга тадбиқ эта оладиган юқори малакали кадрларни тарбиялашни тақозо этади.

Ўтган олти йил бошқа соҳалар қатори таълимда ҳам жиддий ўзгаришлар йиллари бўлди. Буни биргина 1996-97 ўқув йили якунларидан ҳам билса бўлади.

Таълим мазмунини такомиллаштириш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлиб, бу соҳада муайян ишлар амалга оширилди.

Маълумки, бола илк ёшидан етти ёшигача жадал суръатлар билан ривожланади. Шу давр мобайнида унинг шахс сифатида шаклланишига асос солинади. Шунинг учун ҳам биз оилавий, мактабгача таълим ва тарбияни қанчалик янги сифат даражасига кўтарсак, шунчалик ижобий натижаларга эришган, фарзандларимиз камолотига йўл очган бўламиз. Шуни ҳисобга олган ҳолда вазирлик ва унинг жойлардаги ташкилотлари мазкур йўналишда, шу жумладан «Соғлом авлод учун» дастури доирасида қатор ишларни амалга оширдилар. Ҳаётга тадбиқ этилаётган ибратли ишлар кўп бўлсада, ўтиш босқичида вужудга келган вазият халқимизнинг миллий қадриятлари ва анъаналарига тарбияшунослигининг тажрибаларига, ривожланган мамлакатларнинг илғор педагогик технологияларига асосланган ҳамда бола эҳтиёжи, давлат ва ота-оналар истагидан келиб чиқадиган дастурларнинг тамомила янги авлодини яратишни талаб этмоқда.

Албатта, кейинги беш йилда яратилган ҳамда мактабгача тарбия муассасаларида синаб кўрилган дастурлар ўзининг моҳияти, ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши билан муайян ижобийлик касб этади. Мактабгача тарбия муассасаларига чет тилларининг, компьютер техникасининг қадриятларимиз, болалар қобилияти ва қизиқишларини инобатга оладиган тарбиянинг кириб келиши бунинг яққол мисолидир.

(Давоми 3-бетда).

1995 ЙИЛ

Доно халқимиз вақтни учқур қушга менгзайди. Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг тўртинчи йили бўлган 1995 йил ҳам ўзининг мазмундорлиги, хилма-хил воқеаларга бойлиги билан мамлакатимиз тарихида муҳрланиши шубҳасиздир.

Ўша йили мамлакатимиз тарихида биринчи маротаба кўппартиялик асосида сайланган республика парламенти — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда жумладан, Президентимиз И. А. Каримов Олий Мажлис фаолиятида инсон ҳуқуқлари ғояси доимий ўрин эгаллаши лозимлигини таъкидлаганди. Бугунги кунга келиб Олий Мажлис ўзига юклатилган барча муҳим ва масъулиятли вазифаларни адо этмоқда.

Шу йили республика таълимида ҳам ўзига хос қувончли йил бўлди десак янглишмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Таълим муассасалари ҳақидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари тизимини такомиллаштириш

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

тўғрисида»ги, «Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳам олий таълим соҳасидаги муҳим бурилишларга сабаб бўлди.

Тарихдан маълумки, туркийлар ҳарб илмидан мислсиз тажрибага эга», ҳарбий салоҳияти юқори миллат бўлган. Шу йили Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясининг очилиши давлатимизнинг минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш юзасидан ўтказаётган изчил сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Спорт азал-азалдан тинчлик элчиси, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг ноёб воситаси бўлиб келган. Шу маънода мазкур йилда Тошкентда бўлиб ўтган I Марказий Осиё ўйинлари қардош мустақил давлатлар: Қозоғистон ва Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон спортчиларини юртимиз спортчилари билан яқиндан танишиб, ўзаро куч синашишларига муҳим восита бўлди. Бу ўйинлар халқларимиз тарихий бирлигини яна бир карра исботлашга ўз ҳиссасини қўшди.

Мамлакатимиз тарихи ва тақдири учун муҳим аҳамиятга молик бўлган яна бир воқеа Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилишидир. Мазкур академиянинг давлатчилигимиз, фуқаро жамияти қурилишида, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий тизимларнинг ислоҳ қилинишида тарихий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишига шак-шубҳа йўқдир.

O'zbekiston qo'shiq bayrami

ҚЎШИҚ — КИМЛИГИНГНИ АЙТАДИ

Миллат... Унинг ростлигини, борлигини нималар белгилаб беради?

Миллат, бу сенинг жисмингнинг теграсидагилар эмас, кўнглингнинг сарҳадидагилар, қонингда қони қўшилиб айланаётганлар. Уларнинг-да, сенинг-да даставвал кўнгил ҳижобларинг, яшаш зайилларинг мутаносиблиги ва яна ўзига хос гўзаллиги сенинг кимлигингни айтиб беради.

Куни кеча республика миқёсида йил давомида ўтказиб келинган «Ўзбекистон қўшиқ байрами»нинг сарҳисоб босқичида ҳам бу яққол намоён бўлди. Ўнлаб қўшиқларда мадҳ этилган Ватан, миллат, юрт тушунчалари тингловчиларни яна бир бор ўз-ўзига танитди, уларнинг яна нималаргадир қодирлигини кўрсатди.

Ровийлардан бир ривоят бор. Эмишки танга руҳ мусиқа етовида кирганмиш. Кеча «Ўзбекистон қўшиқ байрами»ни кузатар эканмиз, ушбу ривоятдаги ҳикматнинг сеҳрларини яна бир карра кўргандек бўлдик. Негаким бу сафар танимизга, руҳимизга, қалбимизга мусиқа етовида муқаддас Ватан тушунчаси кирганди.

Дарҳақиқат, беш кун давом этган қўшиқлар байра-

(Давоми 4-бетда).

ММММ ХАБАРЛАРИ

ЗИЁЛИЛАР «ЗИЁКОР»И

Марҳамат туманидаги Полвонтош шаҳарчасида мамлакатимиз Мустақиллигининг 6 йиллиги арафасида туман маорифчилари учун «Зиёкор» сиҳатгоҳи фойдаланишга топширилди. 12 гектар серҳосил майдонни ўз ичига олган шифо масканида бир йилга 800 дан ортиқ зиёкор дам олиш имкониятига эга.

Абдурасул ЭРГАШЕВ.

ИСТЕЪДОДЛИ САЙЁҲЛАР

Баҳористон туман халқ таълими бўлими иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларга алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Куни кеча уларнинг бир гуруҳи ўзининг 2500 йиллигини нишонлаш арафасида турган Бухорои шарифнинг тарихий обидаларини кўздан кечириб қайтдилар. Сайёҳларда кўпгина таниқли қадамжолар қатори Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг зиёратгоҳи ҳам чуқур таассурот қолдирди.

Асрор ҚИЛИЧЕВ.

СЕҲРЛИ БАРМОҚЛАР СОҲИБИ

Андижонлик Мирзабаҳром кулолни республикамизда ким ҳам танимайди дейсиз? Унинг сеҳрли бармоқлари томонидан яратилган буюмларни бугун нафақат вилоятда, балки республикамизнинг бошқа жойларида яшаётган юртдошларимизнинг хонадонларида ҳам учратишингиз мумкин.

Уста Мирзабаҳром Абдуваҳобов ўз касби сирларини ёшларга ҳам қунт билан ўргатмоқда. Ҳозир унинг 70 нафардан ортиқ шогирди у яратган кулолчилик мактаби шуҳратини ошириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаяпти.

Ш. ОДИЛОВ.

ММММ ХАБАРЛАРИ

Iqtisod saboqlari

ҲАРАКАТ ВА ТЕЖАМКОРЛИК БАРАКА ДЕМАК

Меҳмондорчилик, тўй, маърака сингари турли маросимларда, шунингдек кишиларнинг ўзаро мулоқотларида «умри жонингга барака берсин», «уйингдан барака аримасин», «кунинг баракали ўтсин» тарзида дуои-фотиҳа ўқилишини биласиз. Шунингдек, «мол бор уйдан барака аримайди», «товуқ етти хазинанинг бири» сингари сўзларни бот-бот эшитасиз. Хўш, бундай кўп такрорланувчи барака сўзининг маъноси нима? Нега у кўп таъкидланади?

Барака бу кўз илғамас қандайдир мавҳум нарса ҳам эмас ёки эришиб бўлмас орзу ҳам эмас. У кишидаги икки муҳим фазилат туфайли рўёбга чиқиб, моддий неъматга айланади, бойлигига бойлик қўшилади. Аввало, барака бўлиши учун, уйдан барака аримаслиги учун ҳар бир шахс ҳаракатчан бўлиши, тиниб-тинчимай яратувчилик билан шуғулланиши шарт. Бироқ, ҳар қанча тиниб-тинчимаган билан баракаси йўқ оилаларни ёки кишиларни истаганча санаб бериш мумкин. Хўш, барака бўлишининг иккинчи зарурий шарти нима экан у. Бу ҳар бир хатти-ҳаракатни иқтисодий самарадорликни кўзлаб, тежамкорлик асосида бажаришдир. Тежамкорлик ҳам тадбиркорликдир. Тежамкор киши биринчи даражали нарсани иккинчи даражалисидан, муҳим ва долзарбни муҳим бўлмаганидан фарқлай билиши орқасида ихтиёридаги вақтнинг унумдорлигига эришади. Дарҳақиқат, вақт шундай бойликки, унинг бошланиши ҳам, ниҳояси ҳам йўқ. Демак, вақтдан фойдалана билиш туганмас бебаҳо бойлик. Бироқ вақт ҳар бир шахс умрига қиёсан, яъни нисбий маънода тугайди ва тикланмайди. Шу жиҳатдан инсон измидаги бойликлар ичида вақт шундай беқиёским, уни ҳар қандай қимматбаҳо буюмга, ҳатто пулу олтинга ҳам топиб, алмашиб бўлмайди.

Биласизки ҳаётимизда тугамайдиган, тугаши мумкин ҳамда тугаса-да, тиклаш мумкин бўлган бойликлар кўплаб топилади. Масалан, турли қазилмалар, ўсимликлар, сув, ҳаво, тупроқ кабилар шулар жумласига киради. Аммо инсон измидаги вақт (умр лаҳзалари) шундай бетакрорки, у ҳар бир кишига бир марта берилади, кимда ким ундан унумли фойдалана олсагина бу вақт серунум бўлади, у кишининг умри баракали бўлиб, бахт келтиради. Шунинг учун халқимизда вақтинг кетди, бахтинг кетди деган нақл бор. Мана, барака бўлишининг иккинчи шарти — тежамкорликнинг аҳамияти, моҳияти ҳам бир қадар равшанлашди. Энди унга амал қилиш, эришиш йўллари хусусида фикр юритайлик-чи.

Юқорида таъкидлаганимиздек, фаол ҳаракат, меҳнат эвазига муайян моддий, маънавий неъмат ярата олсак-да, аммо уни оқилона тадбиркорлик билан ишлата олмасак, сарфлай билмасак, яратилган неъмат тезда қимматини йўқотади, барбод бўлади. Аксинча, ҳар бир дақиқани ва ҳар бир моддий нарсани ҳамда сўмни ўрнини топиб ишлатилса, у янада кўпаяди. Масалан, маиший ҳаётимизда ҳар бир хонадонда турли чиқиндилар тўпланади. Булар ишлатилавериб яроқсиз ҳолга келган буюмлар, шунингдек озиқ-овқат чиқиндилари бўлиши мумкин. Ҳовли саҳнидан олинган хазон-резги, шохшабба, ўт-ўланлар ҳам чиқитқи-ахлат ҳисобланиб, қанчадан-қанча меҳнат, сарф-харажат эвазига арава ёки машиналарда олис-олисларга элтиб ташланади. Ҳолбуки тадбиркор кишилар кераксиз бу чиқиндиларни озуқа, хом ашё сифатида фойдаланадилар. Тадбиркор, тежамли кишилар турли маиший чиқиндилар ҳисобига қўй, сигир, турли паррандаларни парваришлайдилар. Ўша чиқиндиларни олисларга беҳуда ташиб юрмай, мол ёки парранда боқиб фойдаланадилар, натижада кераксиз ҳисобланган чиқиндилар эвазига қўшимча неъматга эга бўладилар.

Мамлакат иқтисодида жадал суръатда миқдор ва сифат ўзгаришлари содир бўлаётган бир пайтда ҳар бир киши экология ва иқтисод муаммоларидан воқиф бўлиши, ана шундай соҳаларда саводхонлик билан фаолият кўрсатиши керак. Ҳозирги ёшларда биз тежамкорлик хислатларини таркиб топтириш, мамлакат бойликларининг тежамкор эгаси бўлишига одатлантирмоғимиз зарур. Бунинг учун табиий ресурсларнинг ҳолати, уларнинг жойлашуви кабиларни пухта ўргатиш талаб этилади.

«Халқ хўжалиги тармоқлари», «ихтисослашиш», «марказлашув», — «халқ хўжалиги таркиби», «таннарх», «меҳнат ресурслари», «иқтисодий интеграция», «меҳнатни географик тақсимоти» каби иқтисодий-географик билимлар тизимининг таянч тушунчаларини, айниқса, пухта эгаллашга эътибор қаратмоқ керак.

Иқтисодий билимларнинг мукаммаллашуви иқтисодий мазмундаги малака ва кўникманинг шаклланиши билан узвий боғлиқ. Ўқувчи, айниқса, статистика маълумотларини таҳлил (анализ) ва умумлаштириш (синтез)ни билиши зарур. Жадвал, диаграмма харита маълумотларида ифодаланган иқтисодий жараён ва муаммоларни ўқувчи аниқлай олиши ва зарурият га қараб моделлаштира билиши лозим. Масалан, статистика маълумотига кўра мамлакатда аҳолининг нон маҳсулотларини истеъмол қилиш меъёри тобора камайиб, аксинча, гўшт, тухум, сабзавот кабиларни истеъмол қилиш ортиб бораётган бўлсин. Ана шу маълумотларни ўқувчи мустақил таҳлил этиб, мамлакатда ижобий жараён содир бўлаётганини пайқасин, одамнинг озиқ-овқат билан таъминланишида киши организмининг физиологик нормал ривожланиши учун медицина тавсия этган меъёрга риоя этилаётганининг далолати сифатида бу ижобий жараёнлигини идрок этсин.

Иқтисодий билимларни таркиб топтиришда дарслик материалларидан ташқари ўлка табиати ва хўжалигига хос материаллардан ҳам кенг фойдаланиш муҳимдир. Айниқса, мактаб яқинидаги корхона ёки муассасанинг фаолияти иқтисодий билим эгаллашда қулай восита бўлиб хизмат этади.

Иқтисодий таълимнинг ўзига хос муҳим вазифаси иқтисодий тушунча, категория ва қонунларнинг моҳияти мазмунини очиб бериш бўлса, иқтисодий тарбиянинг вазифаси эса бирмунча кенгроқ. У ўзлаштирилган билимлар асосида ижтимоий мулкка ва меҳнатга муносабатни таркиб топтиришдан иборат. Кишиларни у ёки бу хилдаги ижтимоий ҳодисаларни иқтисодий тўғри баҳолай билиш, иқтисодий масалаларга доир тўғри, саводхон фикр юритиш, касбнинг, шахсий меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини баҳолай билиш иқтисодий саводхонликнинг муҳим жиҳатларидандир.

П.МУСАЕВ,
Ф.САЙДАМАТОВ.

Avgust kengashlariga

БОЛА ТАРБИЯСИ — КЕЛАЖАК МЕВАСИ

Кейинги йилларда кичик ёшдаги болалар тарбиясига эътибор, айниқса, кучаймоқда. Болани мактаб ёшига етгандан сўнг эмас, донолар айтганидек туғилганданоқ тарбиялашга киришмоқ лозим эканлиги кўп гапириляпти. Бироқ бу тушунчани ҳамма ҳам билавермаслиги, суҳбатларда, мажлисларда аниқ бўлиб қолмоқда. Агар бола тарбияси ҳақида ҳаммада ҳам бир хилда илғор ва ижобий фикрлаш қобилияти бўлганда эди, бугунги кунда жамиятимизнинг нуқсонлардан буткул холи эканлигининг гувоҳи бўлиб турган бўлар эдик. Афсуски, тарбия ҳақидаги қарашларнинг турли-туманлиги замон ва маконнинг тарбияга кучли таъсири борлиги кишини кўпроқ ўйлантириб қўяди.

Ҳаётда одамийликни барча нарсадан устун қўювчи, тарбия тараққиёти ҳақида илғор фикрловчи одамлар борки, жамият тараққиётининг асосий манбаи тарбия эканлиги ҳақида қайғуриб турадилар. Шунинг учун ҳам бугунги кунда барча илмлар ичида тарбия илми биринчи ўринга қўйиляпти.

Бугунги кунда олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин эканлигини янада кўпроқ эътибор билан болалар онгига сингдириб бориш зарурати туғилмоқда. Чунки мактабларимизда яхши тарбия кўриб ўсаётган кўплаб болалар билан бир қаторда, яхши тарбия кўрмаган, одобсиз ва ахлоқсиз болаларни ҳам учратиб турамиз.

Одатда яхши тарбия кўрган бола фақат ўқитувчисининг ҳамда ота-онасининг олдидагина эмас, балки бошқа ҳар қандай ўзидан катталар олдида ҳам ўзининг ижобий фазилатлари билан кўзга ташланиб туради. Биз доимо замонамиз кишиларининг фазилатларини баҳолаш билан бирга яқин ўтмиш кишиларининг фазилатлари билан таққослаб ҳам турамиз. Шу билан биргаликда ҳозирги замон болалари тарбиясининг қай йўсинда такомиллашуви ҳозирги замон одамларининг онгида тарбия ҳақидаги тушунчаларнинг қай даражада мавжуд эканлигига чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Юқорида замон ва маконнинг тарбияга кучли таъсири борлигини қайд этиб ўтдик. Қайси замонда, қайси маконда бўлишидан қатъи назар, яхши тарбия кўрган кишилар кўп бўлган жойда яхши тарбия кўрган болалар кўп бўлиши табиий. Шу боис утмишдаги доноларимиз: «Яхши кексалар бор жойда яхши ёшлар бўлади» деб бежиз айтишмаган. Ана шу нуқтаи назардан қараганимизда, яхши ўқитувчилар ва яхши тарбиячилар кўп бўлган жойда яхши ўқувчилар ҳам кўп бўлади. Баъзан ўқитувчилар даврасида қайсидир муаллим ўз ўқувчисининг қайсарлик қилаётгани, гапига қулоқ солмаётганидан нолиб, ҳамма айбни болага қўяётганини эшитамиз. Ҳар бир яхши ва ёмон ишнинг ўзига хос сабаби бўлганидек, бола қайсарлигининг ҳам бирор-бир сабаби бўлмай иложи йўқ. Бола ўқитувчидек улуғ кишининг олдида қайсарлик қилар экан, бунинг учун уни мутлақо айбдор деб қараш ва уни фақат қоралаш, менинг назаримда, унинг тарбиясига фақат салбий таъсир этиши мумкин. Бола ҳар қандай салбий таассуротлардан ҳам кўра, айниқса, ўз устозларининг адолатсизлигига асло бардош қила олмайди ва натижада ички тугён қудрати билан ўз устози йўналишига қарши фикр исёнида бўлади.

Агар боладаги адолатсизликка қарши ошкора қарашларни бугунги кунда зўравонлик йўли билан бостирилса ва ижобий ҳал бўлди деб қаралса, умуман хато қилинган бўлади. Энди бола онгидаги исён яширин ҳолда келажакка қадар давом этади ва келажак кишисига айлангач, намойишкорона умрбод давом этади.

Яқинда ёш бир дўстим билан тарбия ҳақида суҳбатлашиб қолдим. Дўстим бугунги кунниг айрим ёшлари тарбияси бузилиб кетганлиги, уларнинг бузишга, синдиришга, ёндиришга, ўлдиришга мойил бўлишиб бораётгани ҳақида куйиб-пишиб гапирди. Ҳатто жамият тараққиётининг шундай ўзгаришларга юз тутиши ҳам жамият тараққиёти қонунларидан биримикан, инсоният қонида қадимдан урушиш иллатига мойиллик бўлиб келганданмикан, деб ўз фикрларини ўртоқлашди.

Шунда мен жамиятнинг ҳар қандай органида ҳам адолат бузилгандагина у нафрат тўлқинларини юзага келтиради ва тез ёйилиб кетади. Агар адолат бузилмаса, виждон, ҳалоллик, ростгўйлик, инсонийлик илғор тарбия услубари бўйича ўз вақтида қатъий адолат билан рағбатлантириб борилса, қандай қилиб инсонда урушга мойиллик пайдо бўлиши мумкин, деган фикрларни айтдим.

Инсон тарбияси она қорниданоқ бошланади ва умрбод давом этувчи жараёндир. Биз ўқитувчилар болаларга ўзидан катталарни ҳурмат қилиш керак, деб ўргатамиз. Лекин баъзи болалар ўзидан катталарга фақат салом беришни ҳурмат қилиш деб биладилар. Аммо катталарнинг мансабига, бойлигига, обрўйига қараб гапига қулоқ соладилар ва айтганини қиладилар. Биз ўқитувчилар болаларга ўзидан катталарни ҳурмат қилиш қандай бўлишини, ўзидан катта одамнинг, қандай одам бўлишидан қатъи назар, ҳурмати бор эканлигини тушунтириб боришимиз керак.

Баъзи болалар одамларнинг юриш-туришига, кўринишига қараб муомала қиладилар. Баъзи аҳмоқ табиат одамларни лақиллатиб, улар устидан кулиб юрадилар. Болалар тарбиясидаги бундай нуқсонларни кўрганимизда, бундай одамлар ўзлари хоҳлаб шундай бўлмаганликларини, уларни ҳам бошқалар қатори ҳурмат қилиш яхши фазилатга киришини тушунтириб боришимиз керак.

Шўхлигимни кўрганда баъзан
Аҳмоқларга кулма, — дер онам.
Асли доно бўлармиш баъзи —
Аҳмоқ бўлиб кўринган одам.

Эшболта ХЎЖАЕВ,

Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги А. Қодирий номли ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

Saboq

МУСТАҚИЛЛИК ТУЙҒУСИНИ КУЧАЙТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ўқувчиларга мустақиллик мавзуси бўйича тушунча беришдан мақсад уларнинг мустақиллик ва ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш билан бирга истиқлолимизни чуқур ҳис этиш ва ўғил-қизларни буюк келажагимизга ишонч руҳида тарбиялашдир. Мавзу мазмунини тушунарли ифода этишда Ўзбекистон Республикасининг харитаси, герби, байроғи ва мадҳияси ҳамда мадҳия ёзилган магнитофон лентаси, Мустақиллик мавзуида ишланган турли расмлардан фойдаланиш мумкин.

Дарснинг бориши. Аввало, ўқитувчи ўқувчиларга 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни тўғрисида она заминимизнинг озодлиги йўлида аждодларимиз, ота-боболаримизнинг олиб борган кураши ҳақида тушунча беради. Дарҳақиқат, биз узоқ йиллар давомида ўзбек миллий давлатчилигимизни ҳис этиш туйғусидан маҳрум эдик. Собиқ Иттифоқ давридаги ҳар қандай тазйиқларга қарамасдан ўзбек халқининг ватанпарварлик ҳисси ва ўз миллий анъанавий меросига бўлган меҳр-муҳаббати сақланиб қолди. Миллатимизнинг фахри-ифтихори бўлган улуғ сиймолар — буюк бобомиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фурқат, Завқий, Муқимий каби донишманд мутафаккирларни ҳамда Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар каби кўплаб мўйқалам соҳибларини, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Абдурауф Фитрат каби ўзбек халқи ардоқли фарзандларининг руҳи поклари ҳурматини сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу борада Сиз азиз ўқувчилар доимо аъло ўқишингиз, она Ватанимизнинг буюк тарихий ўтмишидан хабардор бўлиб, ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, удумларига содиқ қолишингиз, жаҳон талаблари даражасидаги билим, кўникма, малакаларни эгаллашингиз, билимдон, меҳнатсевар, ташаббускор, фидойи, жонкуяр бўлишингиз керак.

Она Ўзбекистонимиз муқаддасдир. У ҳаво, қуёш, сув, нон, ота-она каби азиз, мўътабардир.

Мавзуни қуйидаги савол-жавоб асосида давом эттириш мумкин:

Ўқитувчи: — Ассаломуалайкум азиз болажонлар! Бугун қандай кун?

Ўқувчилар: — Бугун биринчи сентябрь — Ўзбекистоннинг мустақиллиги куни.

Ўқитувчи: — Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Ўқувчилар: — Раҳмат.

Ўқитувчи: — Қачон Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигини қўлга киритди?

Ўқувчи: — 1991 йил 1 сентябрда.

Ўқитувчи: — Ўзбекистон қачон ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлди?

Ўқувчилар: — 1991 йил 18 ноябрда ўз байроғига, 1992 йил 2 июлда ўз гербига, 1992 йил 10 декабрда эса ўз мадҳиясига эга бўлди.

Ўқитувчи: — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ким ёзган?

Ўқувчи: — Шоир Абдулла Орипов.

Ўқитувчи: — Мадҳия матнига ким куй басталаган?

Ўқувчи: — Ўзбекистон халқ артисти, композитор Мутал Бурхонов.

Ўқитувчи: — Мадҳия қаерда, қачон янграйди?

Ўқувчилар: — Мадҳия ҳар куни эрта тонгда радио ва телевидение орқали янграйди. Шунингдек, турли тантанали йиғинлар, мажлисларнинг очилиши ва ёпилиши, ҳар йили Янги йил киришида ва ҳ. к.

Ўқитувчи: — Ўзбекистон байроғида қандай ранглар бор?

Ўқувчи: — Байроғимизда мовий, қизил, оқ, яшил ранглар мавжуддир.

Ўқитувчи: — Байроғимиз рангларининг рамзий сифатларини биласизми?

Ўқувчилар: — Байроғимиздаги мовий ранг мусаффо осмон, тинчлик, тиниқ сувни эслатади. Қизил ранг томирларда оққан тоза қон белгисидир. Оқ ранг оқ кўнгил, оқ, равон йўл, покизаликдир. Яшил ранг — яшариш, яшнатиш, эртанги кунга ишонч, соф-ҳаво, саломатлик дегани.

Ўқитувчи: — Байроғимизда яна нималар ифода этилган?

Ўқувчи: — Байроқда оймома ва юлдузлар ҳам акс эттирилган бўлиб, оймома тинч тун ва кун ҳам тўкинлик белгисидир. 12 юлдуз эса 12 ой, ўн икки бурждир, саодатга интилишдир.

Ўқитувчи: — Ўзбекистон гербида нималар тасвирланган?

Ўқувчи: — Ўзбекистон гербида Ҳумо қуши, пахта, буғдой, қуёш, икки дарё, ой ва Зуҳро юлдузи. Улар бахт, нон-насиба, қут-барака тимсолидир.

Ўқитувчи: — Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги нима?

Ўқувчилар: — Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги унинг ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ресурслари, олтин ва қимматбаҳо металларидир.

Ўқитувчи: — Дунёда энг бебаҳо бахт нима?

Ўқувчилар: — Мустақилликдир.

Сўнгра, ўқитувчи машғулот охири мустақилликнинг моҳияти ҳақида фикр юритади. Истиқлол ва келажак тўғрисида батафсил тушунча берганидан кейин ўғил-қизларга яна савол беради: «Мадҳия мазмунида сизларга тааллуқли қандай сўзлар ифода этилган?» Ўқувчилар ушбу сатрларни таъкидлашади:

«Барҳи кенг ўзбекнинг
ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар
сенга зўр қанот»,

Ўқитувчи бу сатрлар мазмунини ўқувчиларга атрофлича тушунтириб беради.

— Бизнинг келажагимиз сиз ёшларсиз, — дея таъкидлайди муаллим, — яхши ўқиш ва аъло хулқингиз билан ҳаммага намуна бўлишингиз, ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлиб етишишингиз, халқимизга астойдил хизмат қилишингиз керак. Бу нарсага осонликча эришиб бўлмайди. У тинимсиз ўқиб, мустақил ижодий фаолият кўрсатишни талаб этади. Бу борада сизларга куч-қувват, чидам, ирода тилайман.

Дарс машғулоти якунлангач ўқувчилар мусиқа асбоблари ёрдамида тинчлик, бахт, дўстликни тараннум этувчи қўшиқларни ижро этадилар. Герб, Байроқ тасвирларини оқ қоғоз юзасида акс эттирадилар. Шу мавзуда ишлаган тасвирларидан кўргазмалар ташкил этадилар.

О. ХУДОЁРОВА,
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ илмий ходими.

INTERNET

ЎҚУВЧИЛАРГА ПЭЙЖЕР

Япония компанияларидан бири ўқувчилар ва улар ота-оналарининг «югур-югури»ни камайтириш мақсадида махсус ўқувчилар пэйжерини ишлаб чиқармоқда. Бундай пэйжерлар ҳар томонлама камҳарж бўлиб, улардан узатилувчи ахборот ҳам қисқа ва лўнда бўлади. Масалан, «Бугун дарсдан соат 4 да чиқаман» ёки «Ишдан чиқиб сени олиб ўтаман» ва ҳоказо.

ЎЗИ ЮРАР ЎТЎРАР

Швеция давлат университетининг бир гуруҳ битирувчи талабалари ўзи юрар ўтўрар машинани ясаб намойиш этдилар. Марказий компьютер ўрнатилган машина бир сўтих майдонни ёз бўйи мустақил парваришлай олади, яъни майсани қанча ва қаерда ўришни «ўзи билади», ҳамда қуёш энергиясидан фойдаланади.

СИРИНИ ТЕКШИРИШ

Франциядаги илмий тадқиқот лабораторияларидан бирининг «архив»ига энг узоқ умр кўрган француз аёли Жанна Кальманнинг генлари олиб қўйилди. 124 ёшида ҳаётдан кўз юмган Ж. Кальманнинг аждодлари азалдан узоқроқ яшаган эканлар, олимлар бирор сир-асрор кашф этиш умидида кампирдан қолган генетик ахборотни элакдан ўтказяптилар.

Kasaba uyushmasi hayotidan

ИШ РИВОЖИ — ҲАМКОРЛИКДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган пленум йиғилиши бўлиб ўтди. Пленум кун тартибида «Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда юқори касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида қабул қилинган қарорларининг бажарилиши устидан назорат қилиш, унинг бажарилишини таъминлаш борасида касаба уюшмаси қўмиталари раисларининг вазифалари тўғрисида»ги масала атрофлича муҳокама этилди.

Хоразм вилояти тармоқ касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Майра Абдураҳмонованинг ушбу масала бўйича қилган маърузасида тармоқ ходимлари, талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда, уларга меҳнат ва ўқишлари учун шароитлар яратишда ҳамда дам олиш ва соғлиқларини тиклаш борасида бирмунча ибратли ишларни амалга ошираётганликлари қайд этиб ўтилди.

Шунга қарамай тармоқ ходимлари, талаба ва ўқувчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида Президент фармонлари, ҳукумат қарорларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланишда жойларда талайгина нуқсон ва камчиликлар борлиги, таъкидлаб ўтилди. Вилоятда тармоқ ходимларига ойлик маошлари, таътил пулларини ўз вақтида беришда йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди, 15 фоизлик рағбатлантириш жамғармасидан педагог ходимларга маблағ ажратишда ҳам туман молия бўлимлари томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини қаттиқ назорат остига олиш кераклиги уқтирилди. Масалан, 1996-97 йилларда Хозарасп туманида меҳнат қилаётган педагог ходимларга 15 фоиз рағбатлантириш жамғармасидан ажратилган 13 млн 28 минг 100 сўмдан бор-йўғи 6 млн 805 минг 200 сўми тўланган, холос. Қўшкўпир туманида эса тармоқ ходимларига 1 млн 510 минг сўм ҳозирги кунгача берилмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Вилоят бўйича педагог ходимларга таътил учун берилмай қолган пул миқдори шу йилнинг 11 июлигача 25 млн 106 минг сўмни ташкил этмоқда.

Пленум ишида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси И. Абдуганиев нутқ сўзлади. Жумладан, у тармоқ ходимларининг, талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда, уларга меҳнат шароитларини яратишда, дам олишларини, соғлиқларини тиклашда касаба уюшмасининг барча (бошланғич ташкилотлар, туман, шаҳар, вилоят) бўғинлари тегишли муассаса, оталиқ ташкилотлари, жамғармалар, банк ва солиқ инспекциялари тизимлари билан ҳамкорликда ўзаро шартномалар тузиб фаолият кўрсатишлари лозимлигини ҳамда тармоқ касаба уюшмаларининг мавқеини оширишда ва пленум йиғилишларида ҳоким ёки ҳоким ўринбосарларининг иштирокини ташкиллаштириш, агар керак бўлса, уларни тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси ёки раёсати аъзолигига киритиш лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Пленум ишида Хоразм вилояти ҳокимлигининг бўлим мудири, техника фанлари доктори, профессор П. Қаландаров иштирок этиб, вилоят ҳокимлиги томонидан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирди.

Ушбу анжуманда вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг муовини О. Болтаев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини И. Ҳайитов, барча шаҳар, туман ҳоким муовинлари, халқ таълими бўлимлари мудирлари ва касаба уюшмаси фаоллари иштирок этдилар.

Равшан АЗИМОВ.

РЕЙТИНГ ЖУРНАЛИНИ ОЛДИНГИЗМИ?

Сиз суратда кўриб турганингиз таянч ва ўрта мактабларнинг IX — XI синф ўқувчилари билимини аниқлашда кўп балли баҳолаш (рейтинг) тизимини қўллаш бўйича синф журнали, қисқача қилиб айтганда, рейтинг журналидир.

Журналнинг 4-бетида рейтинг тизимини қўллаш бўйича умумий кўрсатмалар берилган бўлиб, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг 30-сон ахборот тўплами асосида тузилган ва Халқ таълими вазирлиги тасдиғидан ўтган.

Журнал 1997—98 ўқув йилига эксперимент учун чиқарилган бўлиб, Тошкент шаҳар мактаблари 100 фоиз ўтган ва кичик вилоятларга 500 тадан, катта вилоятларга 1000 тадан тарқатиш мўлжалланган. Бу жараён 1 сентябргача тугатилади ва амалий кучга киради. Ўқув йили давомида ва якунида ўқитувчилар ва мактаблар жамоаси ўз фикрларини вазирликка тақдим қилишлари мумкин.

Улуғбек ОДИЛОВ.

Attang!

ТААЖЖУБДАН «ТАТИНГ»!

Таҳририятимизга ҳар куни ўнлаб мактублар келади. Демак, ҳар куни ўнлаб кишилар билан дардлашамиз. Кимдир таклифини, кимдир дарду ҳасратини, яна биров юрак кечинмаларини хатгилофга солиб юборишади.

Одатий кунларнинг бирида столимга бекободлик бир муаллиманинг шеърлари келиб тушди. «Янги» шеърларни ўқир эканман, ўзимча, муаллиф балки адашгандир, деган истиҳолага бордим... Тасодифни қарангки, орадан бир ҳафта ўтгач, худди ўша муаллиф телефон қилиб шеърларининг тақдирини сўраб қолди. Мен шоирадан шеърлари хусусида, умуман шеърият ҳақида, қайси шоирлар ижодига кўпроқ қизиқишлиги тўғрисида сўрадим. Ҳатто қаршимда турган гўзал «мисралари»дан ўқиб «шеърлари»нинг ёзилиш тарихи билан ҳам қизиқдим... Телефон дастагини қўяр эканман, энди бемалол бу ҳақда ёзсам бўлади, деган фикрга келдим.

Муаллиф таҳририятимизга 2 та шеър тақдим этган бўлиб, биттасини «Муҳаббатим» деб номлаган. Воажаб, ўқиганда ҳаммамизни ҳаяжонлантирадиган бу шеърнинг номи билан муаллифининг исм-фамилияси янги «тахаллус»га алмашиб қолибди! Чунки, шеър севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Мактуб» сарлавҳали шеъри эди-да! Албатта, бу ерда янги муаллиф анча-мунча «меҳнат» қилган. Дейлик, шеърнинг «бошингда», «қошингда» қофиялари «моҳирона» алмаштирилган, баъзи мисраларидаги сўзлар бутунлай гумдон қилинган (Тўғри кўчиролмаган бўлса керак). Ва яна шеърнинг тенг ярми ташлаб ёзилган. (Кўчиришга эрингандир балки!)

Алоҳа, шу ўринда кўнгилда кечган тўрт мисрага сўз:

Шоир деганларинг шоирмас асли
Шоир — бу қалбдаги бокира бир оҳ.
Ҳайёмнинг бисотин қадаҳлар битган
Машраб йиғламаган, йиғлаган кулоҳ.

Шеър — илоҳий дард, илоҳий соғинч. Шеърият — оғир сўз, оғир юк. Уни ҳар ким ҳам кўтара билмайди. Шундай экан, танамизда йўқ «қувват»ни била туриб нега чиранишимиз керак. Ахир бировнинг таҳоратига биров номоз ўқиб бўлмайдику!

Алишер НАЗАР.

ТАЪЛИМ — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, кейинги пайтларда вазирлик томонидан мазкур йўналишда амалга оширилган таҳлиллар, соҳа мутасаддилари мурожаатлари, хатлари, мақолаларида билдирилган танқидий фикрлар мавжуд дастурларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаётганлигидан далолат бермоқда. Шунингдек, мактабгача таълим ва тарбия соҳасида давлат таълим стандартлари лойиҳаларининг яратилганлиги, янги турдаги таълим муассасаларининг ривожланаётганлиги, бозор иқтисодиёти шароитида боғчалар билан қамраб олинган болалар сонининг камаяётганлиги ва бошқа бир қатор жиҳатлар болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастурининг янги авлодини яратишни тезлаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» бўйича энг яхши дастур учун танлов эълон қилди. Танлов шартларига кўра тақдим этиладиган лойиҳалар мамлакатимизда таълим соҳасида қабул қилинган Қонунлар, Президент Фармонлари, Республика Ҳукумати, Халқ таълими вазирлиги қарорлари, Низомлари, мактабгача таълим ва тарбия давлат стандартлари, концепцияси талабларидан келиб чиқиши, миллий истиқлол мафкураси билан сугорилган, халқимиз қадриятлари, тарихий мероси, маданиятига таянган, ватанпарвар, фидойи, бунёдкор инсон тарбиясига йўналтирилган бўлиши керак.

Ҳозирнинг ўзида ташкилий қўмитага ўндан зиёд дастурлар лойиҳалари тақдим этилди. Вазирлик ишчи гуруҳи лойиҳаларни ўрганиб чиқиб ҳамда муаллифлар билан маслаҳатлашиб, улар қабул қилинадиган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»да билдирилган ғоялар асосида тўлдирилиши керак деган хулосага келди. Қайта ишланган лойиҳалар жорий йилнинг 10 сентябригача ташкилий қўмитага топширилади. Ғолиб деб топилган лойиҳалар асосида таянч дастурини яратиш режалаштирилган.

Танлов ғолиблари учун эса вазирлик иккита пул (1-ўрин учун — 40 минг сўм, 2-ўрин учун — 30 минг сўм) ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этган.

Ўтган ўқув йилида, шунингдек, дарслик ва қўлланмаларнинг сифатини яхшилаш, мазмунини такомиллаштиришга, чоп этилиши режалаштирилган барча дарсликларни нашрдан чиқариб, таълим муассасаларига етказишга алоҳида эътибор берилди. Маълумки, ўтган ўқув йилидан бошлаб давлат тилида ўқитиладиган мактабларнинг биринчи синф ўқувчилари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида таълим олишга киришдилар. Улар учун янги ўзбек алифбосида 19 номда дарсликлар, дастурлар ва қўлланмалар, шунингдек, «Саводга ўргатиш дастури», «Янги алифбо ҳарфлари билан танишамиз», «Янги алифбо» безакли кубиклар мажмуи каби қўшимча қўлланмалар нашр қилинди.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқув режасидаги мактаб ихтиёрига ажратилган соатлардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида юқори синф ўқувчилари учун «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ҳуқуқшунослик», «Менежмент ва маркетинг асослари», «Экология асослари» каби факультатив курслар жорий этилди.

1996-97 ўқув йилида ўқувчилар ва талабалар учун иқтисодий ва ҳуқуқий таълим-тарбиянинг шаклланган тизимини жорий қилишга эришилди. Бунинг учун «Иқтисодий билим асослари» мустақил фан сифатида 9-11-синфлар ўқув режасига киритилди. Қисқа муддат ичида «Иқтисод алифбоси», «Основы экономических знаний», «Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш» каби дастур ва қўлланмалари яратилди.

Ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, умумий таълим мактабларининг 9-синфларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» (О. Каримова, Х. Тўйчиева), 10-11-синфларда мактаб ихтиёрига берилган соатлар ҳисобидан факультатив тарзда «Ҳуқуқшунослик» фани (дастур муаллифи А. А. Азизхўжаев ва бошқалар) ўқитилмоқда.

Мактаблар ва бошқа таълим муассасаларида маънавият ва маърифат йўналишидаги ишларни амалга оширишда миллий қадриятлар, халқ педагогикасининг илғор жиҳатларини сингдириш жараёни юз берди. «Ижодкор ўқитувчилар» анжумани, «Иқтидорли ўқувчилар слёти», «Ўзбекистон — Ватаним маним» Республика қўшиқлар танлови ва бошқа анъанавий тадбирлар ўтказилди.

Республика таълим муассасаларида Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги, Навоийхонлик, «Она тилим — жону дилим» тадбирлари ўтказилди. Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган кечалар, республика миқёсида «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий анжуманининг IV йиғини ўтказилди. Шунингдек, ўқувчиларнинг 4 босқичдан иборат «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» иншолар кўрик-танлови, Ўзбекистон телевидениеси билан ҳамкорликда «Ўйла, изла, топ» телемусобақалари ўтказилди. Бу тадбирлар ўқувчиларни миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вазирликда, унинг тасарруфидаги Республика ташкилотларида, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бошқармалари ва бўлимларида, таълим муассасаларида Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимотлари ўтказилди.

Ўқув йилининг якуни бўйича амалга оширилган диагностик таҳлиллар умумий таълим мактабларида битирувчи синф ўқувчилари билимини якуний аттестацияси, Давлат тест марказининг таҳлиллари, ўтказилган фан олимпиадаларининг натижалари Тошкент шаҳри, Бухоро, Наманган, Хоразм вилоятлари таълим муассасалари ўқувчилари эришган натижалар 1995 йилга нисбатан сезиларли даражада яхшиланганлигини кўрсатади.

Республикада истеъдодли болаларни танлаш ва тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Шу мактабларда махсус миллий ҳунармандчилик лицейлари, бизнес мактаблари, умумий таълим йўналишидаги лицей ва гимназиялар тармоғи кенгайтирилмоқда. Агар 1995-96 ўқув йилида 178 лицей, 104 гимназия фаолият кўрсатган бўлса, 1996-97 ўқув йилида 223 лицей, 135 гимназия ишлади, катталар таълим марказларининг сони 86 тадан 107 тага кўпайди. Янги турдаги ўқув муассасаларининг аксарияти юқори самара билан ишламоқда. Жумладан, Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 22-лицей (директори М. Ботиров), Хоразм вилояти Боғот туманидаги 3-лицей (М. Авезов), Фарғона вилояти Тошлоқ тумани лицейи (Р. Дадажонов), Чирчиқ шаҳридаги 20-гимназия (Т. Осипенко), Қашқадарё вилояти Ғузор тумани лицейи (И. Баротов), Сурхондарё вилояти Шарғун шаҳридаги 1-лицей (Б. Мирзаев) битирувчиларининг деярли барчаси олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди.

Шубҳасиз, юртимиздаги тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеалардан бири ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармонлари бўлди. Яқинда мазкур Фармонга асосан ўтказилган танлов ғолиблари — Президент грантлари соҳиблари дунёдаги энг тараққий этган мамлакатларнинг нуфузли ўқув юртларига жўнаб кетишди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, уларнинг борган жойларида буюк тарих ва маданият юртининг фарзанди эканликларини намоён этишларига ишончимиз комил.

Якунланган ўқув йилида ҳунар-билим юртлари моддий базасини мустаҳкамлаш, уларни услубий ва дастурий таъминлаш, ўрганилаётган касбларни талаб ва эҳтиёжга қараб ўзгартириш ишларига алоҳида эътибор берилди. Жумладан, 11 турда янги йўналишдаги касб-ҳунарлар жорий этилди, улар учун янги дастурлар ишлаб чиқилди. Республикада барча ҳунар таълими муассасаларида ўқувчилар томонидан эгалланган билим ва кўникмаларнинг натижалари таҳлил қилиниб, хулосалар амалиётга сингдирилди.

9-11-синфларни битирувчи ёшларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялаш, уларни ҳунар таълими муассасаларига кўпроқ жалб қилиш мақсадида ҳозирги кунда 1-2 та қўшимча касб берадиган қисқа муддатли (1-2 йил) курслар ташкил этилди. Бу усул ўқувчилар томонидан эгалланган касбларни рақобатларга бардошлилиги, ўқув материалларини тез ва пухта ўзлаштириб олинишига имкон бермоқда. Таълим муассасаларида амал қилаётган 25 ўқув режаси таркибига «Мустақил тадбиркорлик фаолияти» бўйича 448 соатлик махсус блок киритилди.

Ўқув устахоналари, ўқув хўжаликлари, уларда ташкил этилган кичик корхоналар, хўжалик ҳисобидаги ер майдони имкониятидан самарали фойдаланиб, 1996 йилда 168 млн. сўмлик саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, аҳолига 492,9 млн. сўм ҳажмда пуллик хизмат кўрсатилди.

Таълим бўйича халқаро ҳамкорлик ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. 1996-97 ўқув йилида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби ташкилотлар билан анъанавий алоқалар янада мустаҳкамланди, МДҲ мамлакатлари, Туркия, Корея Республикалари билан таълим бўйича вазирликлараро тузилган шартномаларни амалга ошириш давом эттирилди. Шунингдек, Тинчлик Корпуси, АКСЕЛС (АҚШ), Мерси Прожект (Англия), Гёте институти каби ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

АҚШ Тинчлик Корпусининг 30 дан ортиқ кўнгиллилари Республика мактабларида инглиз тили ҳамда иқтисодий билимлардан сабоқ бермоқдалар. Республикамизнинг 6та умумтаълим мактабига «ЮНЕСКО мактаби» сертификатлари топширилди ҳамда бундай сертификатларни олган мактабларнинг умумий сони 25 тага етди. ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФ ташкилотлари билан ҳамкорликда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича Тошкент шаҳрида халқаро анжуман ўтказилди. 300 га яқин ўқувчи Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида «Тинчлик Корпуси» томонидан ташкил этилган соғломлаштириш лагерларида дам олдилар ҳамда ўзларининг инглиз тили бўйича билимларини мустаҳкамладилар. «АКСЕЛС» йўналишида танлаб олинган 40 нафар ўқувчи АҚШда таълим олиш учун жўнаб кетишди.

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарур элементларидан бири юқори малакали бошқарув кадрларининг барқарор контингентини барпо қилишдир.

Мустақиллик йиллари таълим бошқаруви тизими ходимларининг таркиби жиддий ўзгади. Маҳаллий таълим бошқаруви органлари ҳамда бевосита таълим муассасалари раҳбарларига мустақиллик, бошқарув ишини марказдан қўйи ташкилотларга берилиши раҳбарларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда. Ташаббускор, ишбилармон, бозор иқтисодиёти шароитида таълимни янги босқичга кўтаришга, истиқболни кўришга ҳамда режалаштирилган ишларини охиригача етказишга қодир раҳбар кадрларнинг таркиби шаклланиб бормоқда.

Аммо, таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишдаги ишларимиз жадал суръатлар билан ривожланаётган жамиятимиз талабларидан орқада қолиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. А. Каримов «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»ни тузиш комиссиясининг йиғилишида «... кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади...» деб алоҳида таъкидладилар.

Халқ таълими тизимидаги айрим раҳбарлар ислоҳотларни талаб даражасида амалга оширишда муайян қийинчиликларга дуч келишмоқда. Буни ходимларимиз томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари ҳам исботлайди. Жумладан, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирларининг белгиланган вақтдан тўғри фойдаланиши ўрганилганда, улар энг кўп вақтларини маъмурий-хўжалик фаолиятга ажратишлари маълум бўлди. Шунингдек, улар кўп вақтларини юқори ташкилотларнинг топшириқлари бўйича ҳисоботлар тайёрлашга, мажлисларда иштирок этишга, турли жамоат топшириқларини бажаришга сарфлайдилар. Педагоглар жамоалари билан ишлашга, таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнининг ҳолатини таҳлил қилишга сарфланадиган вақт бор-йўғи 9%ни ташкил қилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ходимларининг амалий ишларида қуйидагилар фаолиятининг қийин турлари ҳисобланар экан: ўқув йили якунларини педагогик-диагностик таҳлил қилиш; янги турдаги таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш; ўқувчиларнинг билим даражасини рейтинг усулида баҳолаш; истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш учун ахборотлар устида ишлаш, компьютерлардан фойдаланган ҳолда турли таҳлилларни амалга ошириш.

Юқоридаги аҳволни тузатиш мақсадида биз ўтган ўқув йили давомида бир қатор тадбирларни амалга оширдик. Биринчидан, биз муаммоли семинарларни амалда тадбиқ этдик. Бунда биз семинарлар халқ таълими тизими амалиётида тингловчилар билимини янада чуқурлаштиришнинг, уларнинг назарий, методик, психологик-педагогик тайёргарлигини кенгайтиришнинг кучли воситаси ҳамда изланиш, тажриба ва тадқиқот ишига қўйилган дастлабки қадам эканлигидан келиб чиқдик. Бу эса, ўз навбатида раҳбарларнинг малакаси ва тайёргарлигини тингловчиларнинг ўзлари билдирган реал талаб, эҳтиёж ва истакларни ҳисобга олиб, аниқ бир мақсадга қаратилган ҳолда амалга ошириш имконини берди.

Раҳбар фаолиятини яхшилашнинг иккинчи шарти бошқарувчилик қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнини такомиллаштиришдан иборатдир. Бунда биз вазирликдан бошлаб халқ таълими бўлими ҳамда бевосита муассасада қабул қилинган кадрларни авваламбор мазмун нуқтаи назаридан мукаммал бўлишига, уларни жойларга ўз вақтида етказилишга ҳамда ижросини таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Жумладан, яқинда вазирликнинг «Таълим тараққиёти» номли ахборотномасининг нишона сони чиқди. Мазкур ахборотномани чиқаришдан асосий мақсад Республика Президенти, Ҳукумати ва Халқ таълими вазирлиги томонидан таълимни ривожлантиришга, унинг истиқболларини белгилашга қаратилган Фармонлар, қарорлар, буйруқлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар моҳиятини тизим ходимлари ҳамда кенг жамоатчиликка етказишдан иборатдир. Шунингдек, ахборотномада эксперт хулосалар, аттестация ва давлат аккредитацияси натижалари, таълим ва тарбияга оид масалаларни ўрганиш бўйича дастурлар, тест, анкета сўровлари, чет эл ва илғор педагогик тажрибалар, таълим соҳасидаги янгиликларни бериб бориш режалаштирилган.

Мазкур йўналишдаги ишимизнинг яна бир ижобий томони шундан иборатки, биз республикамиз ҳудудидаги ҳамма туманлар ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари мудирлари ҳамда методика кабинетлари раҳбарларининг ўқишини ташкил этдик. Уларни қайта тайёрлашда бизга Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, жаҳон дипломатия ва иқтисодиёт университети каби нуфузли, салоҳиятли илм масканлари раҳбарлари яқиндан ёрдам беришди. Ўқиш якунида ҳар бир раҳбар ходим тест синовларидан ўтди ҳамда уларга тегишли тавсиялар берилди.

Янги 1997-98 ўқув йилида бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича вазирлик ўзининг олдига яна бир мақсадни қўйган. У ҳам бўлса соҳа бошқарув ходимлари ўқишини ташкил этиш моделини ишлаб чиқишдан иборатдир. Унинг асосини бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксизлик тамойили ташкил этади. Биз «Таълим менежери» ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишимиз, унинг таълим стандартларини ишлаб чиқишимиз зарур. Улар асосида эса олий маълумотли ҳамда маълум бошқарув тажрибасига эга бўлган шахсларни 1-2 йиллик профессионал таълим дастурлари асосида ўқитишни йўлга қўямиз ҳамда уларга тегишли намунадаги сертификат берамиз. Бу ишга биз чет эл мутахассисларини ҳам жалб этишни режалаштирганмиз.

Аммо шак-шубҳасиз, бошланаётган янги 1997-98 ўқув йили қабул қилинадиган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонунларни ҳаётга тадбиқ этишнинг бошланиш йили бўлади.

Бу ўқув йилини қандай бошлашимизга кўп нарса боғлиқ. Бунинг учун эса биз таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳамда уларни ҳал этиш йўлларини яхши билишимиз керак. Ўтган йиллари мамлакатимиз раҳбарияти ва ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари натижасида таълим тизимида муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, янгиланаётган жамият бизнинг олдимизга янги-янги талаблар қўя бошлади. Жумладан, таянч мактаб битирувчисигина эмас, ҳатто аксарият 11 йиллик мактабни тугатган ўқувчилар ҳам аниқ мақсад йўлида ҳаракат қилмай, ҳаётда ўз ўринларини топишга қийналмоқдалар. Бунинг устига, ёшларимиз ўртасида ҳанузгача «боқимандалик» кайфияти, мустақил юртимизнинг жадал қурилиши даврида ўзгаришлар моҳиятини, ўз ўрни ва мавқеини билмаслик ҳоллари мавжуд. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг ўқитиш технологиясининг, таълим муассасалари ва ўқув юртлари моддий-техника базасининг замон талабларига жавоб бермаслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Олий Мажлис сессиясининг муҳокамасига тавсия этилаётган миллий дастур давлат томонидан кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг стратегик асоси бўлиб, у барча даражадаги юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини ривожлантиришни, ижодий, ижтимоий фаол шахсни шакллантиришни таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий давлатларнинг кадрлар тайёрлашдаги тажрибаси, ушбу соҳадаги камчилик ва муаммоларимиз, миллий хусусиятларимизни инобатга олган, республикада кадрлар тайёрлаш тизимининг том маънода янги модели ишлаб чиқилди.

Кадрлар тайёрлаш тизими янги моделининг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусияти шундаки, унга асосий ташкил этувчилар сифатида шахс, узлуксиз таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамият каби компонентлар киритилган.

Дастурда кадрлар тайёрлаш тизими моделининг шаклланишига янгича ёндошув акс этган бўлиб, унда бутун тизимнинг яхлит тарздаги ҳамда компонентларидан ҳар бирининг мақсади, функциялари, узлуксиз таълим тизимини ислоҳ этишнинг йўналишлари, шарт-шароитлари, босқичлари ҳамда Миллий дастурни амалга оширишдан кутиладиган натижалар очиб берилган.

Узлуксиз таълим янги тузилмасининг амалдагисидан фарқи —касб-ҳунар лицейларида касб-ҳунар эгаллаш ва умумий ўрта маълумот олиш ёки академик лицейларида чуқурлаштирилган умумтаълим тайёргарлиги олишни кўзда тутувчи ихтиёрий-мажбурий уч йиллик ўқишнинг (9-синф асосида) киритилишидир.

Олий таълим тизимида мутахассисларни кўп босқичли тайёрлаш кўзда тутилади.

Миллий дастур унга илова қилинган мақсадли дастурлар ҳамда ўтиш даври (1997-2000 йиллар) ва истиқболда (2000-2005 йиллар) бажарилиши режалаштирилган тадбирлар асосида амалга оширилади. Миллий дастурни амалга оширишнинг асосий натижаси рақобатбардош кадрлар тайёрлаш яхлит тизимининг барпо этилишидир.

Амалдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳам ўтиш босқичида таълимнинг такомиллашувига ўзининг ҳиссасини қўшди. Уни қабул қилгандан кейин ўтган беш йил давомида ўнлаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, таълим муассасалари ва ўқув юртлари амалиётига жорий этилди. Давлат таълим стандартлари мазмуни, таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш, давлат таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, мактабгача тарбия, мактабдан ташқари муассасалар, меҳрибонлик уйлари, умумтаълим мактаблари, янги турдаги таълим муассасалари тўғрисидаги ва бошқа қатор Низомлар, таълим мазмуни ва стратегиясини белгилаб берувчи концепциялар ҳамда дастурлар шулар жумласидандир.

Шунинг билан бирга амалдаги қонунда белгиланган таълим структураси эскиргани ҳамда жамиятимиз ёшлар олдига қўядиган талабларга жавоб бермаётганлиги маълум бўлиб қолди. Жумладан, мактаб битирувчиларига умумий билим бериш билан чекланилиб, уларга маълум бир касб-ҳунар бериш масалаларига етарли эътибор берилмайди. Натижада улар қаётда ўз ўрнини топишда қийинчиликларга дуч келишмоқда.

Мутахассислар, шу жумладан чет эл экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган янги «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳасида мазкур ва бошқа қатор камчиликларни бартараф этиш кўзда тутилган.

Янги руҳдаги бу ҳужжат таълим-тарбия соҳасидаги ишларимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади, мустақил мамлакатимиз учун етук, баркамол ёшларни етказиб беришда муҳим асос бўлади.

Қонун лойиҳасининг жойларда бўлиб ўтган кенг доирадаги муҳокамалари ҳам буни кўрсатди. Муҳокамада қатнашган ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар, бошқа жамоатчилик вакиллари қонуннинг ўта зарурлиги, унда таълимнинг барча муаммолари қамраб олинганини таъкидладилар.

Албатта, қабул қилинадиган қонунларнинг ижроси вазирликлардан тортиб, ҳокимиятлар, таълим муассасаларида меҳнат қилаётган раҳбар ходимлар ва амалиётчиларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Шубҳасиз, шунингдек, биз мазкур йўналишдаги ишларни қандай бошлашимизга ҳам боғлиқ. Ҳозирнинг ўзида вазирлик ўтиш босқичида (1997-2000 йиллар) амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб олди. Мазкур тадбирларда бозор иқтисодиёти шароитида таълим тизимининг такомиллашувини таъминлайдиган қонуний, меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, учинчи поғона бошланғич касб тайёргарлиги ҳамда умумтаълим мактабларининг йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ўқув юртлари тармоғини жойлаштиришнинг энг мақбул схемасини ишлаб чиқиш, таълим тизимининг инвесторларига солиқ имтиёзлари бериш, таълим муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ва бошқа биринчи галда бажарилиши лозим бўлган ишларни амалга ошириш белгиланган. Режалаштирилган ишларни муваффақиятли бажариб, таълим ривожини юқори поғонага кўтарилишига ишончимиз комил.

Имкониятдан фойдаланиб, ҳурматли устозларни, халқ таълими ходимларини, ўқувчилар ва талабаларни, ота-оналарни, таълим ҳомийларини улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг олти йиллиги ҳамда янги 1997-98 ўқув йилининг бошланиши билан табриклайман ва муборакбод этаман.

Ёшларимизни билимдон, довюрак, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашдек шарафли ишда ҳаммага мустаҳкам соғлиқ ва катта муваффақиятлар тилайман.

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири.

ХУШХАБАР

Бугун газетамиз номига Андижон вилояти Қорасув шаҳар 6-ўрта мактаб директори К. Халиловдан хушхабар телеграммаси келди. Унда ёзилишича, мазкур мактабда янги кичик корхона ишга туширилибди. Ҳозирги кунда бу ерда 6 та тўқув дастгоҳи ўрнатилган бўлиб, уларда кунига 1000 дона сифатли пайпоқ тўқилмоқда.

Кичик корхона маҳсулотлари пештахталарда сотилиб, ундан тушаётган даромад мактаб синфхоналарини жиҳозлаш, ўқувчи ва ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш ишларига сарфланмоқда. Биз бундай хайрли тадбирлар республикамизнинг ҳар бир мактабларида ҳам бўлишини истардик.

Н. ОЧИЛОВ.

ҚУТЛУҒ САНА ҚУВОНЧЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тизимидаги меҳрибонлик уйлари директорларининг август кенгашлари олдидан маслаҳат кенгаши ўтказилди. Йиғилишни вазирликнинг умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Гуландон Алимова кириш сўзи билан очди.

Кенгашда республика таълим маркази меҳрибонлик уйлари бўлимининг бошлиғи Ф. Ҳабибуллаев «Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларида психологик хизматни жорий этиш», ХТБ интернатлар ва янги турдаги ўқув муассасалари бўлимининг бошлиғи З. Жалолиддинов «Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш — давр талаби», Наманган вилоятидаги 26-меҳрибонлик уйи директори Д. Матмусаева «Меҳрибонлик уйидаги тарбияси қийин болалар билан ишлаш» мавзусида маъруза қилдилар.

Кенгашда меҳрибонлик уйлари директорлари ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Шундан сўнг анжуман иштирокчилари А. Хлебушкина номидаги 22-меҳрибонлик уйида ҳам бўлдилар. Ўша куни болалар уйи жамоаси таълим-тарбия муассасасининг 55 йиллик тўйини нишонлашаётган эди.

Юбилей кечасида меҳрибонлик уйининг собиқ битирувчилари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳам иштирок этишди. Сўнгра меҳрибонлик уйига «Дамас» автомашинаси ҳадя этилди.

Тантанада республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова, халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султоновлар сўз олиб, жамоани шонли сана билан қутладилар.

Кеча ниҳоясида меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ижросидаги дилрабо қўшиқ ва рақслар ташриф буюрганларнинг кўнглини хушнуд этди.

Инобат ҚЎЧҚОРОВА.

Маҳфуза Шамсиева мана 30 йилдирки, Тошкент шаҳридаги 16-мактабда физика фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. Биринчи тоифали ўқитувчи бўш вақтларида қизлари Дилфуза (5-синф) ва Дилноза (3-синф)ларга фан сирларини ўргатади.

СУРАТДА: М. Шамсиева қизларига навбатдаги машғулотини ўтказмоқда.

Сурат муаллифи
Р. АЛЬБЕКОВ.

Bugunning gapi

МУАЛЛИМНИНГ ЎЙЛАРИ

Чўққилари уфққа туташ ғўзал Нурота тоғ тизмаси бағрида, юзлаб ажиб қишлоқлар жойлашган. Қўшработ туманидаги шундай хушманзара қишлоқ — Қоратошдаги Ҳамид Олимжон номли 55-ўрта мактабда салкам чорак асрдан буён ҳали қўлларига қалам тутишни билмаган болакайларга ўқиш-ёзишни ўргатиб келаётган инсонлардан бири Абдувоҳид ака Шайлмановдир.

Моҳир рассом, қўли гул уста, ажойиб қизиқчи, талабчан мураббий, тегирмончи Абдувоҳид Шайманов ўз меҳнат фаолияти давомида тумандаги 8-, 10-, 22-, 48-, 52-, 55-, 64-, 82-ўрта мактабларни жиҳозлашда ва безашда унинг озмунча меҳнати сарфланганми? Бу мактабларда туманимизнинг ўн минглаб ўғил-қизлари ажойиб санъат асарларидан баҳраманд бўлиб, таълим-тарбия олаётганини кўриб турибмиз.

Унинг қўлида сайқал топган суратлар, паннолар киши диққатини ўзига тортади.

— Абдуваҳоб ака, муаллим сифатида республикамиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсатига қандай қарайсиз? — дея сўрайман.

— Мен бир зиёли сифатида Президентимизнинг бу тўғри, адолатли сиёсатини қўллаб-қувватлайман. 1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди, яна «Умид» ва «Камолот» жамғармалари ташкил этилди. Энди истеъдодли ва иқтидорли болаларимиз Ўзбекистоннинг довруғини, иншоллоҳ дунёга тараттай. Бобомиз Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳдуму Аъзам, Б. Нақшбанд ва бошқа улуғ авлиёларнинг руҳлари қўллассин халқимни!

— Абдуваҳоб ака, агар сир бўлмаса, қандай дард-ташвишларингиз бор?

— Дард-ташвишлар кўп укам! Ўтган йили Янгиработ қишлоғида ҳашар йўли билан бир илм маскани бунёд қилинган эди. Усталарнинг айби биланми ёки кучли шамол таъсириданми, кўп шиферлари учиб кетиб, ёмғир, қор натижасида хом ғиштлар емирилиб-емирилиб авария ҳолатига келиб қолди. Шунча меҳнат ва уриниш эвазига бино харобага айланди.

Яқинда мактабимизда бўлиб ўтган ўқитувчилар кенгашига шу масалани кўндаланг қўйдим. Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими раҳбарлари шу мактабни парта, доска ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминлашда ёрдам берсалар деган умиддамиз.

Иззатулла ҒАЗНАЕВ,
журналист.

Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадул-абад қолади. Ватанни севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир. Энг гўзал ва энг дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қўшиқлардир. Бундай жозибадор қўшиқлар элу элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватанни ҳар жиҳатдан юксалтиришга, кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга ва кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади.

Ислом КАРИМОВ.

ҚЎШИҚ — КИМЛИГИНГНИ АЙТАДИ

(Давоми. Боши 1 бетда).

мининг якуний босқичи жозибали чиқишларга бой бўлди. Ниҳоят, ўнлаб куйланган Ватанга, миллатга ифтихор туйғулари лиммо-лим ижролар орасидан сурхондарёлик Норали Алланазаровнинг фольклор этнографик дастаси билан ҳамкорликда ижро этган «Ватанимни куйлайман» қўшиғи 1-ўринга лойиқ деб топилиб, бу йилги қўшиқлар байрамининг ғолиблик тожини кийди. 2-ўрин Республика ўқувчилар саройининг «Бойчечак» хор жамоаси ижро этган «Мустақиллик лолаларимиз», ички қўшинлар бошқармасининг «Турон юлдузлари» дастаси томонидан куйланган «Мардона-мардона», Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқовнинг «Ўзбекистон» қўшиқлари учун берилди. 3-ўрин эса «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси Наманган бўлими хонандаси Рустам Мамадалиевнинг «Ўзбекистоним» қўшиғи учун, самарқандлик Эркин Қайтаровнинг «Нурли жаҳоним, Ўзбекистоним» ҳамда қорақалпоғистонлик Кенесбой Сержановнинг «Яшна, она-Ватаним» қўшиқларига берилди.

Шу ўринда ўтган йилги қўшиқлар кўрик-танлови қатнашчиларига Президентимизнинг табрик сўзларидаги бир жумлани эсга олиш ўринлидир. «Кўрик-танлов ўз ниҳоясига етди, деб ўйлаганлар хато қилади. Аксинча, у энди бошланди. Чунки танлов даврида яратилган ўнлаб мафтункор қўшиқлар халқимизнинг дилига кўчди, унинг бебаҳо маънавий мулкига айланди», дейилганди табрикда.

Юртбошимизнинг ушбу ишонч билан айтган сўзлари бу йил ҳам ўз тасдиғини топди. Дарвоқе, кўрик-танловнинг якуни эълон қилингач, 17 август куни пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» саройида қўшиқ байрамининг нишонлаш кечаси бўлди. Ушбу концертда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Д. Ғуломова иштирок этишди.

«БОЙЧЕЧАК»НИ БИЛАСИЗМИ?

Бойчечакни биласиз-а? «Бойчечак»ни-чи? ...Унда қулоқ беринг. Бойчечак баҳор элчиси, гўзаллик тимсоли. «Бойчечак» эса ғолиблик тимсоли. Ишонаверинг, бу «Бойчечак»нинг умри боқий. Чунки «илдиз»лари бақувват. Хуллас...

Биз чизги бераётган «Бойчечак» «гулбарги»да 300 га яқин болаларни бирлаштириб турган ўқувчилар хор жамоаси бўлиб, бугун Республика ўқувчилар саройида фаолият кўрсатаяпти.

«Бойчечак» болалар хор жамоаси 1963 йилда пойтахтимиздаги 99-мактабда ташкил этилган. Шундан буён ижодий фаолияти давом этаяпти. Бугун жамоа таркибини Тошкент шаҳрининг турли туманларидаги ўрта мактаб ўқувчилари ташкил этади. «Бойчечак» республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда, беллашувларда фаол қатнашиб совринли ўринларни қўлдан бермай келаяпти. Дейлик, 12—17 август кунлари ўтказилган «Ўзбекистон танловида ҳам жамоа нуфузли 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шу важдан, биз бугун ана шу гуруҳ фаолияти ҳақида сўз демоққа жазм этдик.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ СИРИ

Ҳар қандай муваффақият машаққатли меҳнат маҳсули. Шундай экан, «Бойчечак» болалар хор дастасининг турли «юриш»лардаги ғалабасининг сири нимада?

Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, болалар учун ҳар томонлама бадиий етук қўшиқларни яратиш, ижодкорларни янги-янги асарлар ёзишга илҳомлантириш мақсадида «Болалар учун яратилган янги қўшиқларни қабул қилиш бўйича бадиий кенгаш тузиш ҳақида» Ҳалқ таълими вазирлигининг махсус қарори қабул қилинди. Яна айтиш мумкинки, ўтган йили саъй-ҳаракатлар натижасида болалар учун 20 та янги қўшиқ яратилиб, «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланган мўъжазгина китобча чоп этилди. Бу йил ҳам 40 га яқин янги қўшиқлар китоб шаклига келтирилиши мўлжалланган.

Вазирликнинг бундай ғамхўрликлари ўз тасарруфидаги жамоалар ишларини жонлантирди. Буни «Бойчечак» жамоаси зукко раҳбари Муяссар Убайдуллаева ҳам қайд этган ҳолда қўйидагиларни гапириб берди.

— Биласизми, биров мендан нечта фарзандингиз бор, деб сўраса, сонини билмайман деб жавоб бераман. Мана, сиз ҳам таажжубланаяпсиз. Бошқалар ҳам худди шундай. Аслида таажжубланишга ҳожат йўқ. Мен шу даргоҳда 20 йил ишладим. Қўлимда мусиқадан тарбия топиб кетганлар, ҳозиргилари, шунингдек яратган ҳар бир қўшиғим — менинг болаларим. Мен шулар билан фахрланаман.

Энди фахрли ўринлардан тушмаслигимизнинг сири ҳақидаги саволингизга жавоб шундай. Энг аввало саройимизнинг раҳбари О. Иброҳимовага раҳмат. Ғалабаларимизнинг биринчи сирини шу аёл деб биламан. Кўпчилик раҳбарининг қаттиққўллигидан нолийди. Йўқ, мен бунинг аксини маъқул кўраман. Ахир мудраётган пайтингизда кимдир «қитиқлаб» қўйиши керак-ку! Қолаверса, қўшиқлар байрамида куйлаб, совринли ўринни олган «Мустақиллик лолаларимиз» қўшиғи бизнинг бир йиллик тинимсиз меҳнатимиз маҳсулидир.

Шу ўринда ҳамкасбим Шоира Ҳакимова, қўшиғимизга мос рақс саҳналаштириб берган Насиба Мадраҳимова, бастакор Рустам Абдуллаев, қўшиғимиз матни муаллифи Нормурод Нарзуллаевларга юракдан миннатдорчилик билдираман. Гарчи бизнинг ютуғимиз уларнинг ютуғи бўлса ҳам.

Дарҳақиқат, «Бойчечак» — умри боқий чечак. Токим жамоанинг Муяссар Убайдуллаевадек жонкуяр сарбонлари бор экан, бу ғапларимиз асло ўзгача бўлмагай.

Алишер НАЗАР.

ИШОНЧЛАР ЗОЕ КЕТМАЙДИ

МИЛЛАТ ҚАЛБИ

Қўшиқ — миллатнинг қалби, деб бежиз айтилмаган. Куй-қўшиқ элларни элларга, дилларни дилларга яқинлаштиради. Инсон руҳиятига таъсир ўтказишда мусиқа ноларига тенг келадиган восита ҳали ўйлаб топилган эмас. Сиз испан тилини билмайсиз, аммо испанларнинг ҳазин, юракни ўртовчи куйларини тингланг — халқнинг, шу миллатнинг қалби кўз ўнгингизда намоён бўлади. Сиз гуржи тилини билмайсиз, аммо гуржиларнинг вужудни эркаловчи саркаш қўшиқларини тинглаб бу тоғли халқ кўнглини аниқ ҳис этасиз...

Қўшиқ асрлар синовидан бехатар ўта оладиган енгилмас куч сифатида тингловчини ҳидоят йўлларига бошлайди, оғир дамларда нажот сўқмоқларини кўрсатади. Қўшиқ курашга, яшашга ўргатади. Инсон ҳаётининг жамики сир-синоатлари — қўшиқ маънолари тубига ширинган, десак муболаға бўлмас...

Мана, икки йилдирки, мамлакатимизда юртбошимиз ташаббуси билан қўшиқлар танлови оммавий равишда ўтказилмоқда. Бундан асосий мақсад қўшиқ ижрочилари ёхуд қўшиқлар сонини кўпайтириш эмас, қўшиқнинг бугунги ҳаётимизга ҳамроҳ бўлишини, у чин маънода даъваткор кучга, маънавият чашмасига айланишини таъминлашдан иборатдир. Янада аниқроғи, бизнинг янги, истиқлол даври қўшиқларимизда халқимизнинг покиза мақсадлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари ўз аксини топсин. Қўшиғимизни, куйларимизни тинглаган кишилар, тилимизни билмасаларда, Ўзбекистонда — бу қадим тупроқда кечаётган бугунги ўзгаришлар моҳиятини аниқ-равшан тушуниб етсинлар. Яхши қўшничилик, манфаатли ҳамкорлик учун эшикларимиз ҳамиша очиқ эканлигини, тинчлик, барқарорлик, озод Ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тенг ва фаровонлиги биз учун ғоят муҳим эканлигини дилдан ҳис этсинлар.

Дарҳақиқат, бу йилги қўшиқлар байрамида куйланган куй-қўшиқлар ҳам ана шу хил эзгу ақидаларга хизмат қилишига имоним комил.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
«Ўзбекистон қўшиқлар байрами» танловининг ҳакамлар ҳайъати котиби.

Xullas...

АҚЛЛИЛИК БАЛОСИ

Америкалик Роберт Жордан болалигиданоқ полициячи бўлишни орзу қилган, ўзини шу соҳага тиришиб тайёрлаган эди. Ниҳоят орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди. Роберт полиция маҳкамасига хизматга кириш учун барча тест топшириқларини ўта муваффақиятли бажарди, бироқ.... полиция хизматига олинмади. Чунки ақлий етуклигини текширувчи компьютер унинг ўта ақлли эканлигини «айтди». Бундай ҳолдан эса полиция раҳбарияти ташвишга тушиб қолишди ва Робертнинг илтимосини рад этишди. «Ўта ақллилар бизга унчалик тўғри келмайди», деб тўнғиллади тест-имтиҳон раиси Чарез Эшин унинг ҳужжатларини қайтиб бераркан.

КАЖУНИ КЎРГАНМИСИЗ?

Албатта, Бразилияга сафар қилган бўлсангиз бу антиқа ўсимликни кўргансиз, унинг номи — Кажу! Кажу дарахтида бир вақтнинг ўзида ҳам ёнғоқ, ҳам олма пишади. Дарахтнинг бўйи унчалик катта эмас, бор-йўғи... 10-12 метр, холос, бироқ ҳосили тузуккина. Ҳар мавсумда бир дарахтдан 20 килограмм ёнғоқ, 30 килограмм олма териб олинади.

Дарвоқе, ўша ерлик аҳоли унинг барги билан тиш ҳам тозалашади.

ЖОНИВОРЛАРГА ҚИЙИН БЎЛДИ

Литва мамлакатининг йирик шаҳарларини дайди кучук ва мушук галалари босиб кетди. Нега? Наҳотки, литваликлар жониворларни севмай қўйишган бўлишса? Йўқ, уларнинг тўрт оёқли дўстларга меҳр-муҳаббати ҳамишадагидек зиёда, бироқ... ҳукумат қарорига кўра уйда сақланаётган ҳар бир жонивор учун солиқ ғоят ошиб кетди. Илгари литваликлар ўз оила аъзосидек бўлиб қолган кучукка 1, мушукка эса 2 АҚШ доллари миқдорида солиқ тўлаган бўлса, энди ҳар бир кучук учун 5, мушук учун 4 АҚШ доллари тўлашга тўғри келаяпти. Бу ҳол, очиқ гап, литвалик биродарларнинг чўнтагига ортиқча чиқим. Шу боис улар ўз тўрт оёқли қадрдонлари билан хайр-маъзурни насия қилиб, кўчаларга ташлаб кетишмоқда.

УЛИЧКИННИНГ УСУЛИ

Свердловск вилоятидаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган завод ишчиси С. Уличкинни ноҳақ ишдан бўшатишди, уч-тўрт ойлик маошини давлат ҳисобига ўтказиб юборишди. Бунга чидаёлмаган С. Уличкин аллақаерлардандир «Ф-1» маркали қўл гранатаси топиб келиб, заводнинг бухгалтерия хонасида пўписа қилди. Бироқ, ҳисоб-китоб билан ғоят бандлигиданми, ё... ишқилиб, ҳеч бир ҳисобчи С. Уличкиннинг хавфига эътибор бермади. Бундан бечора бандитнинг ўзи ҳам ҳайрон қолди. Сўнгра, шаҳар ички ишлар идорасида маълум бўлдики, С. Уличкин даст кўтарган «Ф-1» граната шунчаки ўйинчоқ экан. «Камбағални туянинг устида ит қопади» деганларидек, бахтсиз бандитга уни бахтли бандитлар алдаб сотишган экан...

...ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

«ПАХТАКОР», ОМАД БЎЛСИН СЕНГА ЁР!

Шу ҳафта барча футбол ишқибозларининг диққат эътибори Ўзбекистон чемпионати жамоаларининг навбатдаги 21-тур учрашувларига қаратилди. Бу мавсумда чиройли ўйинлар намойиш этаётган пешқадам МҲСК қутилмаганда «Пахтакор»га 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Тўпларни пахтакорчилардан Ёрқин Назаров, Азамат Абдураимовлар киритишди. Шу турнинг икки учрашувида қўйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Чилонзор» — 1:1, «Трактор» — «Навбаҳор» - 1:2.

ЮНУСОБОД ТЕННИСЧИЛАРНИ КУТМОКДА

Шу йилнинг 8-14 сентябрь кунлари пойтахтимиз Тошкентнинг энг гўзал ва сўлим гўшасида қад ростлаган «Юнусобод» спорт соғломлаштириш мажмуи Америка, Осиё, Европа қитъасидаги 20 дан зиёд мамлакатлардан келадиган моҳир теннисчиларни қабул қилади. Жаҳон андозаларига мос қилиб қурилган «Юнусобод» кортларида бир ҳафта давомида «Президент кубоги» учун IV халқаро теннис турнир ўтказилади.

КАНТОНАНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ

Франция терма жамоасининг ҳужумчиси Эрик Кантонанинг инжиқликларини футбол фанатлари яхши билишади. Бу гал Кантона янги «қилиқ» кўрсатди. Истамбулдаги жавоб ўйинида у «Ғалатисарой» жамоаси ўйинчисига нисбатан қўполлик қилди. Бу ҳам камлик қилгандек, швейцариялик ҳакам Курт Ротлисбергерни ҳақоратлади. Эвазига ҳакам уни майдондан чиқариб юборди. Бундан ташқари у яна қўполлиги учун 10 минг доллар жарима ҳам тўлайдиган бўлди.

«МУШТИЗЎР»ЛАР ТОШКЕНТДА

Аввал хабар берганимиздек, Тошкентда биринчи бор профессионал бокс бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Унда Россия, Белорусь, Қозоғистон сингари давлатлардан келган номдор боксчилар иштирок этишди. Беллашувларда профессионал рингга эндигина кириб келаётган вакилларимиз Мирзоҳид Жонбоев, Рихсибой Шомирзаев, Фарҳод Арслоновлар Осиё проф-бокс қатнашчилари рейтингининг юқори поғоналарига кўтарилишди.

ҚИММАТГА ТУШГАН САЙР

Машҳур баскетболчи Аллпен Анверсон кечки пайт ўзининг «Мерседес» автомобилида сайр қилиб юрганини кўрган миршаблар уни тўхтатишди. Назоратчилар янглишишмаган экан. Унинг машинаси гилофидан 45 калибрли тўппонча, марихуана жойлаштирилган бир неча папирос доналари топилди. Энди Аллпен ноқонуний бу қилмишлари учун суд олдида жавоб беради.

Maktabgacha tarbiya

ХАЙР БОҒЧА, АССАЛОМ МАКТАБ!

Ота-оналарнинг кўнгли болаларида, болаларнинг фикр-хаёли эса қадрдон далаларида. Қаердаки дилбандлар ишончли қўлларда бўлса, ота-оналарнинг кайфияти чоғ, меҳнат унумдорлиги соз бўлиши табиий, албатта.

Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидаги Улуғбек номли Чархин пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти қошидаги «Юлдузча» болалар боғчасининг аҳил жамоаси ана шу ҳаётий ҳикматни тўғри англаб етганлар. Меҳнат жамоаси йигирма бир кишидан иборат бу боғча ўн беш йилдан буён фаолият кўрсатиб, ҳиссадорлик жамияти аъзолари бўлган ота-оналарнинг фарзандларига намунали хизмат қилаётир.

Боғчадаги мавжуд олти гуруҳда 120 нафар ўғилқиз таълим-тарбия олмоқда. Кичкинтойларга уч маҳал сутли, гўштли таом, бир марта нонушта бериляпти. Сузиш ҳавзаси, сайрбоғча, спортмусиқа зали уларга мунтазир.

Мавжуда Бердиева, Матлуба Нарзиқулова, Малика Ҳайдарова, Дилфуза Абдурашидова сингари болажон мураббийлар жигарбандларнинг бақувват, соғлом бўлиб вояга етишлари учун ҳаракат қилаётирлар.

Яқинда тайёрлов гуруҳидаги 10 нафар тарбияланувчилар учун «Хайр боғча, ассалом мактаб!» анъанавий тадбир ўтказилди. Жажжи кичкинтойлар янги ўқув йилида оталиқларидаги 55-мактаб остонасига илк қадам қўядилар.

Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,
жамоатчи мухбир.

«МУСИҚА» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган сўзлар шаклда рақамли хонадон «занжир» ҳолида ёзилиб, айримлари кесишиб жойлашади.

1. Ўзбекистон халқ артисти, ўзбек эстрада санъатига асос солганлардан бири Ботир Зокиров ижросидаги бастакор Икром Акбаров қўшиқларидан бири. 2. Ўзбек халқ рақс куйи. 3. Халқимизнинг азалий, миллий, мумтоз мусиқа асари тури. 4. Торли созларни чертиб чалишда ишлатиладиган мосламалар номи. 5. «Шашмақом» таркибидаги мақомлардан бири. 6. Ноҳун билан чертиб чалинадиган уч ёки тўртта сим торли миллий мусиқа асбоби. 7. Мусиқа оҳангига мослашган ҳаракатлар билан ижро этиладиган саҳна санъати тури. 8. Куй ижрочиси, санъаткор. 9. Оналар қўшиғи. 10. Куй ижросининг энг юқори чўққиси. 11. Қадимий ўзбек халқ рақс куйи. 12. Қўшиқнинг такрорланадиган қисми. 13. Таниқли ўзбек устоз раққосаси, халқ артисти Мукаррама Турғунбоева саҳналаштирган, халқ куйи билан ижро этиладиган мумтоз рақслардан бири. 14. Медиатор билан чертиб чалинадиган беш торли ўзбек миллий мусиқа асбоби. 15. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Давлат халқ рақс ансамбли. 16. Ўзбек халқ рақс куйи. 17. Мусиқа товушининг маълум баландлиги. 18. Чўп билан уриб чалинадиган бир жуфт мусиқа асбоби. 19. Оммавий давра қўшиғи.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

ОХИРАТИНГИЗ ОБОД БЎЛСИН

Шавқатсиз ўлим ажойиб педагог, республика халқ таълимининг жонкуяр ташкилотчиларидан бири, таълим фахрийси, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг собиқ бошлиғи Жабборхон Мамадалиевни орамиздан олиб кетди.

Жабборхон Мамадалиев ўзининг бутун ҳаёти ва жўшқин фаолиятини ёш авлод таълим-тарбиясини самарали ташкил этиш, таълим тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш ишига бахшида этди.

Ўз педагогик фаолиятини бошланғич синф муаллимлигидан бошлаган Жабборхон Мамадалиев мактаб директори, туман халқ таълими бўлимининг мудири, вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғигача бўлган шарафли, сермашаққат йўлни босиб ўтди.

Халқ таълимининг билимдони, моҳир ташкилотчи Ж. Мамадалиев тизимни ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари бўйича бир қатор рисолаларнинг муаллифи эди.

Устоз педагог нафақага чиққанидан кейин ҳам улгайиб келаётган авлодга таълим-тарбия бериш, таълим муассасалари ва ота-оналар ҳамда маҳаллалар ҳамкорлигидаги ишларни ташкил этишда фаол иштирок этиб келди.

Ж. Мамадалиевнинг фидокорона меҳнати муносиб тақдирланиб, у орденлар, медаль ва Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган ва халқ маорифи аълочиси нишони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими фахрий унвони соҳиби бўлди.

Ж. Мамадалиевнинг хотираси унинг ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари ва уни билган кишиларнинг қалбида абадий қолади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб жамоаси мактаб раҳбари Насиба Нишонова-га акаси

ЙЎЛДОШ НИШОНОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0524. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6